

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЛАПАСОВ ЖАСУР ОЛИМЖОНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИНГ (3D) ФАЗОВИЙ МОДЕЛИНИ  
ЛАЗЕРЛИ СКАНЕР ЁРДАМИДА ЯРАТИШ УСЛУБИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Жиззах вилояти мисолида)**

**06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК: 631.111:528.721.28:004.352.2(575.114)(043.3)

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Лапасов Жасур Олимжонович**

Қишлоқ хўжалиги ерларининг (3D) фазовий моделини лазерли сканер  
ёрдамида яратиш услубини такомиллаштириш (*Жиззах вилояти  
мисолида*)..... 5

**Лапасов Жасур Олимжонович**

Совершенствование методики создания пространственной (3D) модели  
сельскохозяйственных угодий с помощью лазерного сканера (*на примере  
Джизакской области*)..... 21

**Lapasov Jasur**

Development of the methodology for creating a spatial model (3D) of  
agricultural lands using a laser scanner (*in case of Jizzakh region*)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЛАПАСОВ ЖАСУР ОЛИМЖОНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИНГ (3D) ФАЗОВИЙ МОДЕЛИНИ  
ЛАЗЕРЛИ СКАНЕР ЁРДАМИДА ЯРАТИШ УСЛУБИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Жиззах вилояти мисолида)**

**06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т2031 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Тўлқин Мансурович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Авезбаев Саъдулла Авезбаевич**  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**Жўракулов Дониёр Очилович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» июнь соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-22-09; Факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султанов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д. профессор

**Э.Ю.Сафаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ерларининг ва ишлаб чиқариш комплексларининг жой объектлари ҳамда рельеф тўғрисидаги фазовий моделларини яратишда замонавий усуллар ва лазерли сканерлардан фойдаланиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида лазерли сканерлардан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги ерларининг фазовий моделини яратишнинг такомиллаштирилган услубини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ҳудудларни геоахборот таъминоти асосида уч ўлчамли моделини тузиш ҳамда уни бошқаришнинг автоматлаштирилган усулларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ер кадастри ва ер тузишда геодезик ишларни амалга оширишнинг замонавий усулларини яратиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг хариталарини тузиш ва уч ўлчамли фазовий моделларини яратиш учун аниқлиги юқори, тезкор усуллари ва воситаларини қўллашнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, қишлоқ хўжалиги ерларининг уч ўлчамли фазовий моделларини яратишда моделнинг аниқлигини ошириш ва уни яратиш вақтини камайтиришни таъминлайдиган ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда ер тузишда ва геодезик ишлар соҳаси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, ерга доир барча ахборотларни рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг уч ўлчамли фазовий моделларини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётни янада ривожлантиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларини замонавий усуллар асосида уч ўлчамли моделини қуриш, лойиҳавий ишланмаларни амалга ошириш, ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун фазовий моделлар яратишда ер усти лазерли сканерларидан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

меъерий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари» ҳамда IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ерларини уч ўлчамли моделини яратишда лазерли сканердан фойдаланиш услубиятини ишлаб чиқиш бўйича чет эл олимлари қатори республикамизда ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилган. Муаммонинг лазерли сканерлар ёрдамида қишлоқ хўжалигининг уч ўлчамли моделини яратиш жиҳатларини назарий ва услубий асосларини чет эл олимларидан W.Boehler, L.Gruending, H.Ingensand, D.Lichti, I.Milev, J.Norton, A.Rietdorf, J.Riegl, A.Ullrich, S.Zlatanova, M.Zamechikova ва бошқалар тадқиқ этишган. Шунингдек, И.Т. Антипоап, Ф.В. Дробышев, В.Б. Дубиновский, А.П. Гук, И.Г. Журкин, А.П. Карпик, Е.Б. Ключин, Д.В. Лисицкий, А.Н. Лобанов, Ф.Ф. Лисенко, А.П. Михайлов, С.С. Нехин ва бошқа олимлар фотограмметрия, ерни масофадан зондлаш ва геодезия соҳаларининг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этган бўлса, лазерли сканерларни қишлоқ хўжалигига қўллашнинг назарий ва услубий асосларини эса Н.Н. Погорелов, В.П. Пяткин, В.П. Савиних, В.А. Середович, Л.К. Трубина, Ю.С. Тюфлин, В.Ф. Чекалин, А.Г. Чибуничев ва бошқалар ишлаб чиқишган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерларини геодезик асбоблар ёрдамида тадқиқ этишга оид илмий тадқиқотлар Э.Нурматов, М.Кенжаев, Б.Хушвақтов ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан, қишлоқ хўжалиги ерларини масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиб таҳлил қилиш ва хариталаштиришга оид илмий тадқиқотлар эса И.М.Мусаев, Э.Р.Мирмахмудов, Б.А.Мейлиев ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган усуллар ва воситалар ер тузиш, кадастр ва ер мониторингида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо лазерли сканер ёрдамида уч ўлчамли сьемка қилиш технологиясини қўллаш, қишлоқ хўжалиги ерларини фазовий уч ўлчамли моделини яратиш ва таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий - тадқиқот ишлари режасининг БФ-44-010-сонли «Давлат ер кадастрини юритишда ахборотлаштиришнинг назарий ва методологик асослашни тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2015–2018), «Ўқув илмий ишлаб чиқариш

маркази ҳудудида ер кадастрини ўтказишда топографо-геодезик иш услубларини такомиллаштириш» (2015–2017), «ГАТ дастурлари асосида ерларни сифат ҳисоби маълумотлари базасини яратиш» (2020–2022), Европа иттифоқи Erasmus+ 585718-EPP-1-2017-1-HUEPPKA2-SVNE-JP халқаро лойиҳасининг «DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура» (2017–2020) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалиги ерларининг 3D фазовий моделини лазерли сканер ёрдамида яратиш услубини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лазерли сканерлар ёрдамида яратиладиган геофазовий моделлар ва виртуал топографик асослар аниқлиги бўйича координаталар тизимини белгилаш ва илмий-услубий жиҳатдан асослаш;

лазерли сканер ахборотларига геомаълумотлар базасида ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг фазовий моделини яратишда лазерли сканерлардан фойдаланиш бўйича комплекс услубини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг уч ўлчамли моделини ва виртуал топографик асосини яратиш учун кетма-кет лазерли сканерлаш механизми, лазерли сканерлашда база ва сфералар кўчиши усулининг алгоритми ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жиззах вилояти ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ерлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** дастурий таъминотлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган замонавий геодезик асбоблар, геомаълумотлар базаси, виртуал топографик асос ҳамда электрон рақамли карталар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалиги ерларининг фазовий модели, масофадан зондлаш материаллари, электрон рақамли карталар, Trimble Real Works, Agisoft Metashape Professional, ArcGIS ва SASPlanet дастурларида ахборотларни рақамлаштириш, қиёсий таҳлил, монография усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

координата қийматларини геофазовий боғлаш технологияси асосида уч ўлчамли моделни трансформация қилиш аниқлиги оширилди ва натижада қишлоқ хўжалиги ерларининг уч ўлчамли модели 1:500 масштаб (50 см) аниқлигида яратиш услуби такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги ерларининг уч ўлчамли моделини қайта ишлаш ва ташқи муҳит хатолари(шовқинлар)дан тозалаш усули ишлаб чиқилган ва моделни бошқа формат бирлигига конвертация қилиш механизми такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги ерларининг фазовий моделини яратиш усули, ер усти лазерли сканерлаш ва нуқталарнинг булутли тасвирини рақамлаштириш механизмлари Trimble Real Works дастуридан фойдаланиб ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ерларида база ва сфералар кўчишини олдиндан аниқлашнинг технологик тизими масофадан зондлаш услубиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

геофазовий моделлар ва виртуал топографик асослар аниқлиги бўйича умумий қоидалар ишлаб чиқилиб, илмий-услубий жиҳатдан асосланган;

лазерли сканер ахборотларини геомаълумотлар базасида жамлаш, қайта ишлаш ва конвертация қилиш механизмларини мақбул ва самарали усулларда олиб бориш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ерларининг фазовий моделини яратишда қўлланиладиган техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича комплекс технология ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ерларини кетма-кет усулда лазерли сканерлаш технологияси ишлаб чиқилган, база ва сфералар алмашинуви жараёни алгоритмлар ёрдамида кетма-кет лазерли сканерлаш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институти, «Геоинформкадастр» давлат унитар корхонаси, Жиззах вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси материалларидан фойдаланилганлиги ва тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лазерли съёмкада лазерли сканерлашдан фойдаланишнинг рақамли имкониятларини очиб бериши ҳамда масофадан зондлаш соҳасини кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лазерли съёмка ишларини ўтказиш, унинг натижаларига ишлов бериш ва лазерли сканерлаш маълумотлари бўйича талаб қилинадиган сифатга эга маҳсулотларни яратиш учун мўлжалланган технологик операцияларни бажариш, натижаларнинг аниқлигини ҳисоб-китоб қилиш, методологик амалий асосларини кенгайтириш ва тўлдириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалиги ерларининг 3D фазовий моделини лазерли сканер ёрдамида яратиш услубини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

координата қийматларини геофазовий боғлаш технологияси асосида уч ўлчамли моделни трансформация қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг уч ўлчамли моделини қайта ишлаш ва ташқи муҳит хатолари(шовқинлар)дан тозалаш усули Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги «Геоинформкадастр» давлат унитар корхонаси амалиётига жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 03-05-7986-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари бўйича қишлоқ хўжалиги ерларини виртуал тадқиқ қилиш, ерларни замонавий усулларда уч ўлчамли



фазовий моделини яратиш ҳамда фазовий маълумотларни қайта ишлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги ерларининг фазовий моделини яратиш усули Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институти амалиётига жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 03-05-7986-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари бўйича чорвачилик, боғдорчилик, мева-сабзавот ва пахта-ғаллачилик йўналишларини виртуал топографик моделда илмий лойиҳалаш, ерлардан мақсадли фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва рақамли маълумотларга ишлов бериш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги ерларида база ва сфералар кўчишини олдиндан аниқлашнинг технологик тизими Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги Жиззах вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 03-05-7986-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари бўйича ер ишлари картограммасини тузиш, тупроқ ҳажмини ҳисоблаш, ернинг электрон моделини геомаълумотлар базасига боғлаш, база ва сфераларни жойлаштириш алгоритминини ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилиб, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лазерли сканерлар ва улардан фойдаланиш**» деб номланган биринчи бобида ер усти лазерли сканерларининг мазмун-моҳияти,

вазифалари ва афзалликлари, лазерли съёмканинг умумлаштирилган технологияси, ер усти лазерли сканерларини классификацион усулда таққослашнинг хорижий тажрибалари каби масалалари ёритилган.

Мамлакат иқтисодиёти ривожининг ҳозирги кундаги босқичи ҳудуд тўғрисидаги анча катта ҳажмдаги фазовий ахборотни талаб этади. Фазовий ахборотни тўплашнинг барча услублари бевосита ва билвосита услубларга бўлинади. Тўпланган ахборотларни геомаълумотлар базасига киритиш ва атрибутлаштириш уч ўлчамли векторли моделларни тўлдиришда хизмат қилади. Атрибутив ахборот мустақил моделни ташкил қилмайди, балки ҳудуднинг уч ўлчамли векторли моделини тўлдиради. Бунда ҳар бир фазовий объектнинг таърифига таркибий қисм бўлиб кириши ёки кўрилаётган бутун ҳудуд учун ягона маълумотлар атрибутив базасида бўлиши мумкин. Фазовий объектлар турли қисмларининг бир тизимда боғланиши идентификаторлар ёрдамида таъминланади.

Ҳудуднинг уч ўлчамли модели, одатда, тематик қатламлардан иборат бўлади, уларга бир мавзуга тегишли бўлган фазовий объектлар киради. Ер юзаси алоҳида қатламга моделланади. Бунда моделлаш учун мунтазам ва мунтазам бўлмаган структуравий тўрнинг чегаравий баландликлари ёки чуқурликларининг белгиларидан фойдаланилади.

Ҳудуднинг моделлаш жараёнини ва натижаларини назорат қилиш манбалари 1-расмда кўрсатилган ахборот тўплаш жараёнидан олинган ёрдамчи материаллар бўйича амалга оширилади.



**1-расм. Лазерли сканерлаш технологиясида маълумотлар олишнинг функционал схемаси**

Расман фазовий таҳлилга қуйидаги ифодага мувофиқ келади

$$F_a : M \rightarrow A. \quad (1)$$


Ушбу функционал боғлиқлик моделлаш жараёнининг олинган рақамли модель билан боғланишини кўрсатади.

Музкур бобда лазерли сканерлашнинг мақсади, функцияси, лазерли сканердан тизимли фойдаланиш, лазер сканерлар ёрдамида қишлоқ хўжалик ерлари тўғрисидаги фазовий ахборотларни олишнинг назарий ва амалий қисмлари ёритилди.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги ерларини тадқиқ этишда сканерлаш натижаларини баҳолаш**» деб номланган иккинчи боби лазерли сканерлаш натижаларидаги хатоликлар классификацияси ва ташқи омилларнинг таъсири, ер усти лазерли сканерлаш ва текстура учун фотосъёмка материаллари бўйича олинган маълумотларни умумлаштириш, ер усти лазерли сканерлаш маълумотларидан фойдаланиб ер тузиш ва ер ресурсларини бошқариш йўналишларида қўллашнинг илмий асослари тадқиқ қилинган.

Сканерлаш жараёнида лазер нурунинг тарқалиш йўналиши ва объект нуқталаригача бўлган масофа қайд этилади. Ер усти лазерли сканерларнинг иш натижаси растрли тасвир саналади (2-расм), унинг пикселлари сони қуйидаги компонентларга эга бўлган вектор элементларини ўзида ифодалайди: ўлчанган масофа, қайтадиган сигналнинг интенсивлиги ва нуқтанинг ҳақиқий рангини тавсифловчи RGB спектор ранглари. Олинган растрнинг ҳар бир элементи (пиксели) ҳолати (сатр ва устуни) ўлчанган вертикал ва горизонтал бурчакларнинг қийматларини акс эттиради. Ер усти лазерли сканерларнинг аксарият моделлари ҳар бир нуқта учун ҳақиқий ранг характеристикаси рақамли камера ёрдамида олинади.


Ер усти лазерли сканерлаш натижаларини ифодалашнинг бошқа шакли сканернинг кўриш майдонида бўлган объектлардан лазерли қайтган нуқталар массивидир (2-расм), у бешта характеристикага, айнан эса фазовий координаталарга ( $X, Y, Z$ ), интенсивлик каби ҳақиқий рангга эгадир.



**2-расм. Ер усти лазерли съёмкасининг натижаси булутли нуқталар кўринишида**

Масофаларни триангуляцион сканерлар билан аниқлашнинг биринчи услубининг моҳияти қуйидагидан иборат. Проектор ёрдамида паст қувватли лазер нури бошланғич йўналишдан оғади. Сканер базиси  $d$  ва лазер нури билан ташкил бўладиган  $\theta_1$  бурчак лазер доғининг биринчи ЗАА-камера приёмнигидаги тасвирининг ҳолати бўйича ҳисоблаб чиқилади.  $\theta_2$  бурчак сканернинг ўқи (базиси) ва объектдан қайтган, иккинчи ЗАА-камера билан қайд этиладиган сигналнинг тарқалиш вектори билан ташкил топади. «Триангуляцион лазерли сканер» термини инглиз тили адабиётидан олинган ва бирмунча мос келмайди, зеро сканернинг ишлаш принципи объектгача бўлган масофаларни  $\theta_1$ ,  $\theta_2$  ва  $d$  катталиклар ёрдамида тўғридан-тўғри бурчак кесиштириши услуби билан аниқлашга асосланган. Лекин, жаҳон тажрибаларида бу номга ҳеч қандай аналог йўқ экан, у ҳолда иш матнида «Триангуляцион лазерли сканер» термини қўлланилди.

Масофаларни триангуляцион лазерли сканерлар билан аниқлашнинг моҳияти 3-расмда кўрсатилган.



**3-расм. Ер усти лазерли сканернинг умумий ишлаш принципи**

Муаллиф томонидан ер усти лазерли сканерлаш ишларини бажариш технологияси қабул қилинган ва съёмка ҳамда рақамли суратларга ишлов бериш жараёнларини инобатга олиб тўлдирилган услубият таклиф қилинди.

Ер усти лазерли сканерлар ва уларнинг афзалликларини таҳлил қилиш ҳамда таққослаш учун биринчи навбатда ердан туриб лазерли сканерлашнинг моҳияти ўрганилди. Ердан туриб лазерли сканерлаш технологиясини ривожлантириш, ер усти лазерли сканер натижаларига ишлов бериш, алгоритм ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш каби масалаларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бир қанча чет эллик олимларнинг илмий изланишлари ўрганилиб, таҳлилий хулосалар олинди.


Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалиги ерларини ер усти лазерли сканер ёрдамида 3D моделини яратиш услубини такомиллаштириш» деб номланган учинчи боби қишлоқ хўжалиги ерларинининг 3D моделини яратишнинг илмий-услубий асослари, қишлоқ хўжалиги ерларини ер усти лазерли сканер ёрдамида 3D моделини яратишнинг текшириш услубияти, Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги ерларида ер усти лазерли сканерларидан фойдаланиб ер тузиш ва ер ресурсларини бошқариш йўналишларининг комплекс услубиятига бағишланган.

Фазовий маълумотлар ва бошқа турдаги рақамли ахборотларни умумлаштириш натижасида олинган юқори самарадорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб, муаллиф томонидан Жиззах вилояти Дўстлик тумани ҳудудида ер усти лазерли сканери ёрдамида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот жараёнида Trimble компаниясининг TX5 маркадаги ер усти лазерли сканер қурилмасидан фойдаланилди.

Мазкур тадқиқот ишлари «Шахина-Жасмина» номли фермер хўжалиги ер майдонларида «Санзор бизнес парранда» МЧЖ кластерини ташкил этиш жараёнида қўлланилди. Қишлоқ хўжалиги ерларида топографик ва геодезик дала тадқиқот ишларини олиб боришда энг аввало техник лойиҳа ишларини бажариш талаб этилади. Техник лойиҳа ишлари дала тадқиқот ишини олиб бориш жараёнидан тортиб камерал шароитда маълумотларни қайта ишлаш жараёнигача бўлган кетма-кетликларни ўз ичига олади.

Белгиланган ҳудудни топографик жиҳатдан ўрганиб, қишлоқ хўжалиги ерларини ер усти лазер сканерида тадқиқ этган ҳолда уч ўлчамли моделини қуришда қуйида келтириладиган кетма-кетлик тавсиялари асосида бажарилди.

Дастлаб техник лойиҳа ишлаб чиқилгач, ҳудуд масофадан туриб таҳлил қилинди ва унга кўра, 5,72 га бўлган ер майдони ўрганилди. SAS Planet дастури ёрдамида ер усти лазер сканерини ўрнатиш мумкин бўлган база жойлари, базаларни боғлаш учун ўрнатилиши лозим бўлган сфера жойлари аниқлаб олинди ва координатлари белгиланди (4-расм).



4-расм. База ва сфераларнинг алмашинув схемаси

Камерал шароитда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 5,72 га майдонга тенг бўлган ҳудудда жами бўлиб 12 та база ва 14 та сфераларни ўрнатиш талаб этилади. Ўрнатилиши талаб этилган базалар 190-200 метр радиус оралиғида доира шаклидаги айланалар чизиби олинади. Натижадан келиб чиқиб базаларни кўчиришда кесишиш айланаларига сфераларни жойлаштириш талаб этилади (сфералар базаларни дастури таъминотда боғлаш учун хизмат қилади).

Ҳудудда сфераларнинг жойлашувчига кўра алмашилиш кетма-кетлиги схемаси яратилади. Trimble TX5 ер усти лазерли сканерининг умумий сфералари сони 4 та бўлганлиги, тадқиқот ҳудудида эса сфералар сони 14 та бўлганлигини инобатга олган ҳолда, мавжуд 4 та сферани кетма-кетликда алмашилиши амалга оширилади. Сфераларнинг алмашилиши базаларнинг кўчиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бажарилади. Сфералар қуйидаги келтирилган алгоритм асосида алмашинади:

1-----5-----9-----13//2-----6-----10-----14//3-----7-----11//4-----8-----12

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида камерал тадқиқ этиш жараёнида яратилган схемада сфераларнинг алмашинувини 4-расмда кўриш мумкин.

Шу тариқа сфераларнинг кўчиш схемаси ва географик координаталар тизимида кенглик ҳамда узоқлик қийматлари аниқлаб олинади. Камерал шароитда олиб борилган техник топшириқлар ва лойиҳалар якунига етгач, дала тадқиқот ишларини олиб бориш учун ҳудудга чиқилади.

Ҳудудда GPS ёрдамида ер усти лазер сканери (базалар) ва сфералар турган нуқталар лойиҳани жойига кўчириш йўли орқали аниқлаб олинади. Биринчи база ўрнатилгач, биринчи ва иккинчи сфералар белгиланган жойга қўйилади. Иш мазмунидан келиб чиқиб янги лойиҳа очилади ва унга ном берилади. Об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб ( $5^{\circ}$  С дан  $+40^{\circ}$  С гача), ёмғирли, қорли ва кучли шамол бўлганида лазерли сканерда тадқиқ этиш тавсия этилмайди. Мазкур кундаги об-ҳаво маълумотларига таяниб лойиҳа тузатмасига ҳаво ҳарорати, ҳаво босими, шамол тезлиги ва кун ҳолати(қуёшли, булутли ва шу кабилар) бўйича маълумотлар киритилади. Сўнгра горизонтал ва вертикал ҳолат бўйича бурчак қийматлари белгиланади. Тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалиги ерларида олиб борилишини инобатга олсак горизонтал  $360^{\circ}$  ва вертикал  $300^{\circ}$  максимал қийматини танлаш мумкин.

Горизонтал ва вертикал бурчаклар бўйича даража қийматларини ўзгартириш мумкин. Бундай ҳолат жой шароитидан келиб чиқади. Кейинги тузатмага кўра ерни сканер қилиш мураккаблиги танланади. Мураккаблик уч турда юқори, ўрта ва паст сифатда бўлади. Энг юқори сифатдаги мураккаблик сониясига 976 000 та нуқта кўринишидаги векторларни яратади (аниқлик даражаси  $0,015^{\circ}$ ). Албатта иш моҳияти ва аниқлик даражасидан келиб чиқиб мураккаблик даражасини танлаш тавсия этилади. Қишлоқ хўжалиги ерларини тадқиқ этишда ўрта мураккабликдаги тури танланади. Барча қийматлар ва тузатмалар лазер сканерга киритилгач, «старт сканирования» тугмачаси босилади. Сканернинг лазер нурлари инсоният


ҳаёти учун хавfli бўлганлиги боис, махсус лазер нурларидан ҳимоялаш кўзойнақларини тақиб олиш шарт. Лазер сканери атрофни тадқиқ қилиш жараёнини бошлаганда товушли белги чиқариб туради.

Сканер қилиш услубиятига кўра дастлаб горизонтал бурчак бўйича қурилма ҳаракатланади сўнгра, вертикал бурчак бўйича сканер қилиш жараёни амалга оширилади.  $360^0$  бурчак бўйича ҳаракатланиши ҳар  $1^0$  горизонтал бурчакда  $300^0$  вертикал бурчак бўйича сканер қилиши амалга оширилади. Демак,  $360^0$  горизонтал бурчакларнинг ҳар бир даражасида қурилма  $300^0$  бўйича вертикал бурчак қийматларини тадқиқ этади. Натижада лазерли сканер қурилмаси умумий ҳисобда 350 млн.дан ортиқ вектор нуқталарни юқори аниқликдаги даражада 4 соат мобайнида тадқиқ қилади (қурилма қувватининг ишлаш давомийлиги 5 соат).

Сканерлаш жараёни якунига етгач, фотокамера текстура учун фото суратларни 70 Мр сифатида тасвирга олади. Тадқиқотлар иш ниҳоясида лазерли сканер қурилмасининг дисплейида визуаллашади. Шу тариқа бир базада съёмка ишларини бажариш амалга оширилади. Лазерли сканер базаси ўзгарганда юқорида келтирилган кетма-кетликлар сингари иш жараёни амалга оширилади. Сфералар база кўчганда юқорида келтирилган схемадаги каби ўзгартирилади. Дала тадқиқот ишлари умумий якунига етгач маълумотларни қайта ишлаш учун махсус дастурий таъминот (Trimble Real Works) ўрнатилган компьютерга ахборотлар юкланади.

Ахборотлар дастурга қўшилгандан сўнг, сфералар кетма-кетлигида рақамлаш ва географик координаталар тизимида аниқланган кенглик ҳамда узоклик қийматлари бўйича фазовий боғлаш талаб этилади. Фазовий боғланган ахборотлар метамаълумотлар деб юритилади. Метамаълумотларни қайта ишлаш натижасида қишлоқ хўжалиги ерларининг уч ўлчамли модели яратилади. Фотокамерада олинган суратлар моделга текстура сифатида бириктирилади. Шу тариқа қишлоқ хўжалиги ерларини тадқиқ этиш ва уч ўлчамли моделини яратиш жараёни амалга оширилади ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланишга фазовий маълумотлар махсули саналга уч ўлчамли модел тақдим этилади. Барча таҳлилий жараёнлар лавҳаси иловада келтирилади.

Ер усти лазерли сканерларини текшириш услубини такомиллаштиришда, дастлаб қурилмани ишчи ҳолатга келтириш учун юстировка ишлари олиб борилади ва бу жараёнда юстировкалаш масофасининг ўрни муҳим саналади. Шу боис узунлиги 24 дан 7 500 м гача бўлган чизиқли базиснинг бештадан 12 тагача эталон интерваллари танлаб олинади, уларнинг сони сканернинг ишлаш узоклиги билан шартланади. Улар ўлчанадиган узокликнинг муайян сканер типи учун минималдан максималгача чегарасида диффуз акс этиш коэффициентига риоя қилинган ҳолда ётиши лозим. Сўнгра сканер иккита пункт марказларини боғловчи чизиқ ўртасида ўрнатилади (5-расм), бунда елкалар фарқи ( $S_1-S_2$ ) 1 м дан ошмаслиги керак. Маркалар (пластиналар) пунктлар устида марказлаштирилади, уларнинг вертикал ўқлари эса осма ҳолатга келтирилади.



**5-расм. Дала шароитида масофаларнинг хатолигини ва ўлчаш ишларининг диапазонини аниқлашда сканерни ўрнатиш схемаси**


Ер усти лазерли сканерлари билан ўлчанганда сканерлашнинг бурчак имконият аниқлиги вертикаль ва горизонталь бўйича сканернинг техник характеристикасига мувофиқ максимал бўлиши лозим.

Сканер тасвирига кўра М-1 ва М-2 нишон пластинасининг ўлчамларини, сканер тасвирининг диагоналлари кесишуви каби 0,005 м хатолик билан ўлчанадиган базисга кўндаланг йўналишда аниқлаш мумкин (6-расм). Сканер билан ўлчаш натижаларига ишлов бериш дастурий маҳсулот ёрдамида бажарилади ва 1-ҳамда 2-пластиналар марказларининг координаталари олинади. Пластиналар марказларининг олинган координаталари бўйича  $S_{1-2}$  масофа баҳоланади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$S = S_{1-2} + S_2, \quad (2)$$

бу ерда:  $S_1$  ва  $S_2$  – сканердан мутаносиб равишда 1- ва 2-пластиналарнинг марказларигача бўлган масофа.

Базис пунктлари орасидаги ўлчанган  $S_{1-2}$  масофа мутаносиб равишда биринчи ва иккинчи пластиналар марказларининг координаталари ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.



**6-расм. Пластиналар марказларининг координаталарини аниқлаш схемаси**

Ўлчанган масофа ва базис интервалининг эталон қиймати ўртасидаги фарқлар хатоликнинг йўл қўйилган қуйидаги формуласи бўйича ҳисобланади ҳамда  $m_s^{\text{доп}}$  қийматидан ортмаса ўлчов натижалари ижобий деб ҳисобланади.

$$m_s^{\text{доп}} = 4 m_s, \quad (3)$$



бу ерда:  $m_s = (a + b \times 10^{-6} S_{1-2})$  – масофаларни ўлчашнинг муайян сканер тури учун эксплуатацион ҳужжатларда кўрсатилган ўрта квадратик хатолиги;


$(a + b \times 10^{-6})$  мм – масофа ўлчашларнинг муайян сканер тури учун электрон ҳисоблашларда кўрсатилган «а» ўзгармас (ускунавий) ва «b» конуний хатолиги.

Ўлчовлар натижаларига ишлов берилади ва 6-расмда кўрсатилганидек, пластиналарнинг сканер тасвирининг диагоналлари кесиштириш йўли билан 1- ва 2-пластиналар марказларининг координаталари ҳисобланади. Ер усти лазерли сканерлаши маълумотларига ишлов бериш дастурий маҳсулот ёрдамида бажарилади.

Агар ўлчанган масофа ва интервалнинг эталон қиймати ўртасидаги фарқлар хатоликнинг (3) формула бўйича ҳисобланган  $m_s^{\text{доп}}$  йўл қўйилган қийматидан ортмаса, ўлчовлар натижалари ижобий деб ҳисобланади.

**Бурчакларни ўлчаш хатолигини ва диапазонини аниқлаш.** Горизонтал бурчакларни  $0^\circ$  дан  $360^\circ$  гача бўлган диапазонда ўлчаш хатолигини аниқлаш. Горизонтал бурчакларни ўлчашлар хатоликлари  $0^\circ$  дан  $360^\circ$  гача бўлган диапазонда аниқланади. Лаборатория шароитида текшириладиган сканернинг бутун кўриш майдони бўйича, ҳалқани эслатадиган кўринишда тажриба майдони яратилади.

Тажриба майдонида ер усти лазерли сканерлаш ишлари бўйича ҳудудларда махсус маркалар жойлаштирилади. Маркалар тажриба майдончасининг ҳар 5, 10, 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90, 100 ва 200 м бўлган масофаларига ўрнатилади. Маркалар лазерли сканерларнинг ишлаш узоклигидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинган (7-расм).



7-расм. Радиал кўпбурчакнинг схемаси

Радиал тест полигонини яратишда полигон нуқталарининг координаталарини аниқлаш учун геодезик тузилишлар услубини танлаш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу ҳолда координаталар тизми эркин тарзда берилиши мумкин.

**Тўғри бурчакли кесиштириш.** Тўғри бурчакли кесиштириш усули билан тузилган тармоқларнинг аниқлиги триангуляцион тузилишларнинг аниқлигига мувофиқ келади.


Тўғри бурчакли кесиштиришни лойиҳалашда аниқланадиган нуқта ҳолатининг ўқси асосан ўзгармас кесиштириш бурчагида  $a$  ва  $b$  нинг ортиши билан кесиштириш бурчагининг  $90^\circ$  дан катта бўлиши ортиб боради.

Тўғри чизикли кесиштиришнинг шакли махсус марканинг  $Q$  планли жойлашишини топиш аниқлигига бир хил таъсир кўрсатади (8-расм).

Тўғри бурчакли кесиштиришни ечиш учун кўпинча учбурчак бурчакларининг котангенслари формулалари ёки Юнг формулалари дея аталмиш формулалардан фойдаланилади.

Бурчак кузатишларида мунтазам хатоликларнинг асосий манбалари қуйидагилардир:

- ташқи шароитларнинг: атмосфера рефракцияси ва турбулентлигининг таъсири билан боғлиқ хатоликлар;
- кузатувчининг шахсий хатоликлари;
- асбоб хатоликлари.



**8-расм. Махсус марканинг координаталарини тўғри бурчакли кесиштириш билан аниқлашда геометрик боғланишлар**

Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги ерларини ер усти лазерли сканер ёрдамида тадқиқ қилиш натижасида Дўстлик туманидаги «Санзор бизнес парранда» МЧЖ кластерининг 3D кўринишидаги фазовий модели(булутли тасвири)ишлаб чиқилди (9-расмда).



**9-расм. «Сангзор бизнес парранда» МЧЖ кластери 38-контур ер майдонининг 3D кўриниши**

Қишлоқ хўжалиги ерлари фазовий моделини яратиш услубини такомиллаштириш жараёнида ер усти лазерли сканерини ўрнатиш, сфераларни жойлаштиришда масофаларни инобатга олиш, сфералар алмашинувини таъминлаш, базани кўчириш ва дастурий таъминотда дала тадқиқот ишларини қайта ишлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар амалиётига тадбиқ қилинди.

## **Х У Л О С А**

Қишлоқ хўжалиги ерларининг (3D) фазовий моделини лазерли сканер ёрдамида яратиш услубини такомиллаштириш (Жиззах вилояти мисолида) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Лазерли сканерлашнинг методологик, техник ва технологик ечимларини такомиллаштириш, уларнинг жорий этилиши лазерли сканерлашни объектлар тўғрисида фазовий ахборот олиш воситаси сифатида ривожлантиришга ва соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш имконини берди;

2. Лазерли сканерларда дала тадқиқот ишларини олиб боришда рефракция таъсирини инобатга олаган ҳолда дала тадқиқот ишларини юқори аниқликда бажариш учун дала тадқиқот ишларини олиб боришнинг мақбул бўлган вақт оралиқлари аниқлаб чиқилди ва мавсумий тадқиқотлар олиб бориш графиги ишлаб чиқилди;

3. Ер усти лазерли сканерлари билан ўлчаш ва сканерларга ишлов бериш жараёнларининг умумий принципларини назарий асосини ишлаб

чиқиш ва уч ўлчамли моделлар тузиш мақсадида экспериментал тадқиқ қилиш ишларини ўтказиш, ушбу жараёнларни бажариш аниқлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва ҳисобга олиш имкониятини берди;

4. Ер усти лазерли сканерлар ва уларнинг афзалликларини таҳлил қилиш ҳамда таққослаш учун биринчи навбатда ердан лазерли сканерлашнинг моҳиятини ўрганиш, ердан лазерли сканерлаш (ЕЛС) технологиясини ривожлантириш, ер усти лазерли сканер натижаларига ишлов бериш, алгоритм ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқишга ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшган бир қанча чет эллик олимларнинг илмий изланишларини ўрганилиб таҳлилий хулосалар қилиш имконини берди;

5. Trimble (АҚШ), Leica (Швейцария), Riegl (Австрия), I-Site (Австралия), Zoller +Fröhlich (Германия) ва Topcon (Япония) фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган геодезик асбобларнинг техник тавсифлари ўрганиб чиқилиб, шароитларга ва мақсадларга кўра фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди;

6. Trimble (АҚШ) компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган лазерли сканерларни чуқур таҳлил қилиш натижасида қайси масалани ечишга қўлланилиши мумкинлиги, бунинг натижасида ерустли лазерли сканерларини ўрганиш кўлами ва геодезик асбобларни қабул қилинган классификацияси бўйича ер сканерларни классификациялаш белгилари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди;

7. Рақамли камера ва ер усти лазерли сканер билан олинган маълумотлардан биргаликда фойдаланишда юзага келадиган асосий масалалар белгилаб олиниб, ер усти лазерли сканерлаш ва рақамли съёмка маълумотларини биргаликда олиш ҳамда ишлов бериш методологиясини ишлаб чиқиш имкони яратилди;

8. Trimble компаниясининг TX5 марकाдаги лазерли сканер қурилмаси, GPS приёмниги, SAS Planet ва Trimble Real Works дастурий таъминотларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги ерларини ер усти сканерлаш усулбиятини ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ЛАПАСОВ ЖАСУР ОЛИМЖОНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ СОЗДАНИЯ  
ПРОСТРАНСТВЕННОЙ (3D) МОДЕЛИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ  
УГОДИЙ С ПОМОЩЬЮ ЛАЗЕРНОГО СКАНЕРА  
*(на примере Джизакской области)***

**06.01.10 - Землеустройство, кадастр и мониторинг земель**

**АФТОРЕФЕРАТ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) технических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/T2031.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаев Тулкин Мансурович**  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Авезбаев Саъдулла Авезбаевич**  
доктор экономических наук, профессор  
**Жўракулов Дониёр Очилович**  
кандидат технических наук, доцент

**Головная организация:** **Каршинский инженерно-экономический институт.**

Защита диссертации состоится «\_\_» июня 2021 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871) 237-22-09; факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер №\_\_). Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871)237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.)

**Т.З.Султанов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**А.А.Янгиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**Э.Ю.Сафаров**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Использование современных методов и лазерных сканеров при создании пространственных моделей расположения сельскохозяйственных угодий и промышленных комплексов, а также рельефа является одним из ведущих в мире. Использование лазерных сканеров мирового масштаба требует внедрения создания совершенного метода пространственной модели сельскохозяйственных земель. В связи с этим важно создание трехмерной модели территорий на основе геоинформации и внедрения автоматизированных методов ее управления.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направлены на лазерное сканирование в рамках новых мировых многоуровневых технических средств, в развитии теоретических основ и практики фототопографических методик сбора пространственных данных в силу их возможностей. В этой связи создание трехмерной пространственной модели сельскохозяйственных угодий и совершенствование ее теоретического и практического метода является одной из важных задач.

В республике осуществляются широкомасштабные в области землеустройства и геодезических работ в землеустройстве, в частности, использование современных методов оцифровки всей земельной информации. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности, ставит задачу «... укрепления макроэкономической стабильности и поддержания высоких темпов экономического роста, модернизации и ускоренного развития сельского хозяйства, направленных на дальнейшее развитие страны». При выполнении этих задач важно проведение исследований по применению поверхностных лазерных сканеров при построении трехмерных моделей сельскохозяйственных угодий на основе современных методов, разработке проектов, создании пространственных моделей для целевого и эффективного использования земель.

В целях обеспечения реализации Указа Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года № ПФ-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» и Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 июня 2020 года № 397 «О мерах по дальнейшему развитию хлопковой и текстильной промышленности» данное диссертационное исследование в определенной степени служит проектированию земель сельскохозяйственного назначения, прогнозированию мероприятий по повышению эффективности использования и реализации проектных разработок в организации инновационных кластеров, а также реализации задач, изложенных в других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование было выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и

техники в республике III. «Сельское хозяйство, биотехнология, водные проблемы» и IV. «Автоматизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

